

ОЛИЙ ТАЪЛИМДА ТАЛАБАЛАРНИ ЎҚИТИШДА КОМПЬЮТЕР ГРАФИКАСИНING АҲАМИЯТИ ВА ВАЗИФАЛАРИ

Ибрагимов Абдурахим¹, Муродова Дилдора²

*¹А.Қодирий номидаги ЖДПИ, Тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси
кафедраси ўқитувчиси, ²Тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси
йўналиши талабаси, Жиззах, Ўзбекистон
e-mail:abdurahimibragimov@gmail.com*

***Аннотация** . Бугунги замонавий техник ишлаб чиқариш кўп вақт ва оғир қўл меҳнатини талаб этувчи лойиҳалаш ва конструкциялаш ишларини Автоматлаштирилган лойиҳалаш тизими (АЛТ) зиммасига юклай оладиган бўлажак ўқитувчиларни талаб этмоқда. Шу сабабли бугунги олий ўқув юртлари талабалари компьютер графикасидаги билим ва малакалари билан қуроллантириши долзарб муаммолардан биридир.*

***Калим сўзлар:** архитектор, конструктор, муҳандис дизайнер, амалиётчи лойиҳа, конструкция.*

***Annotation.** Today's state-of-the-art technical production requires future teachers who can undertake the design and construction work of an automated design system (Alt) that requires a lot of time and heavy manual labor. Therefore, arming students of today's universities with their knowledge and skills in computer graphics is one of the pressing challenges.*

***Key words:** architect, constructor, desing engineer-practitioner, project, construction.*

Ўзбекистонда олий таълим тизимини такомиллаштириш ва ислоҳ қилиш бўйича концептуал хужжатлар жорий этилган.

Улар юксак умумий ва касбий маданиятга эга бўлган, ижодий ва ижтимоий фаол, ижтимоий-сиёсий ҳаётда мустақил ҳолда ҳаракат қила оладиган, келажакка қаратилган вазифаларни қўя олиш ва уларни ечишга қодир бўлган кадрларнинг янги авлодини шакллантиришга йўналтирилган. Муҳим вазифаларидан бири у мамлакат социал-иқтисодий тараққиёти истиқболлари, жамият талаблари, фан, техника ва маданият замонавий ютуқларидан келиб чиқадиган кадрлар тайёрлаш мазмуни ва структурасини қайта ташкил қилишдан иборатдир.

Ҳар қандай жамиятда бўлганидек, республикамиз тараққиётининг иқтисодий шароитида рақобатга бардош бера оладиган малакали мутахассисларни тайёрлаш муҳим аҳамият касб этади. Зеро, жамият тараққиётида мутахассис кадрлар тайёрлаш омилининг муҳимлиги исбот талаб этмайдиган ҳаётий ҳақиқатдир. Мутахассис кадрлар тайёрлаш, унинг сифат ва самарадорлигини ошириш борасида ҳам сўнгги йилларда республикамизда кенг қўламли ишлар амалга оширилди ва давом этмоқда.

Зотан, ривожланган жамият куриш, фан ва техниканинг энг сўнгги ютуқларига асосланган юқори даражадаги техникавий ечимларни лойиҳалаш, юксак технологик қурилмалар конструкцияларни ярата оладиган ижодкор мутахассислар етиштириш таълим тараққийётига бевосита боғлиқдир. Хусусан, ишлаб чиқаришга ижодкор муҳандис-конструкторлар етказиб бериш республикамизда бир қанча олий техника таълими муассасаларида амалга ошириладики, бу мутахассисларнинг касбий фаолиятида ўз фикр ва ғоясини амалга ошириш воситаси бўлмиш график тайёргарлик муҳим ўрин тутди.

Олий техник таълим тизимида график таълим мазмунини такомиллаштириш ва ўқитишнинг сифат самарадорлигини ошириш бўйича ҳам бир қанча илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Шунингдек, ўқув жараёнида, таълим олувчиларнинг графикавий саводхонлигини компьютер техникасини қўллаган ҳолда шакллантириш долзарб муаммолардан бири бўлиб, бу соҳада Ж.Ёдгоров ва Ю.Ахмедовларнинг чизма геометрия ва чизмачиликда тасвирларни алмаштиришда компьютерда фойдаланиб графикавий таълимнинг сифат ва самарадорлигига эришаётганлиги эътиборга моликдир.

Сунгги йилларда ишлаб чиқаришнинг барча соҳаларига илмий техника тараққийётининг ютуғи бўлмиш компьютер технологияларнинг жадал кириб келиши таълимда ҳам ўзининг самарали натижаларини бермоқда. Тадқиқотчи Б.Атабоев илмий тадқиқотлари олий техника ўқув юртлари талабаларига муҳандислик графикасини ўқитишни компьютер технологияси воситасида интенсификациялаш муаммоларига бағишланган.

Шундай қилиб, ҳозирги таҳлил натижаларидан келиб чиқиб, шундай ҳулосага келиш мумкинки, график таълимни такомиллаштириш ва бу соҳага компьютер техникасини қуллаш бўйича бир қанча илмий тадқиқотлар олиб борилганлигига қарамасдан, график таълимни замонавий илғор педагогик технологияларни қўллаш асосида интенсивлаш муаммосининг педагогик асослари ва дидактик шарт-шароитлари ишлаб чиқилмаганлиги муаммонинг дастлабки ҳолатини ўрганиш бўйича биз ўтказган ўрганув-тасдиқловчи педагогик тажриба-синов ишлари тўлиқ тасдиқланди.

Бугунги замонавий техник ишлаб чиқариш кўп вақт ва оғир қўл меҳнатини талаб этувчи лойиҳалаш ва конструкциялаш ишларини Автоматлаштирилган Лойиҳалаш Тизими (АЛТ) зиммасига юклай оладиган бўлажак ўқитувчиларни талаб этмоқда. Шу сабабли бугунги олий ўқув юртлари талабалари компьютер графикасидаги билим ва малакалари билан қуроллантириш долзарб муаммолардан биридир.

Юқорида қайд этилганидек, олий таълим тизимида бўлажак ўқитувчи мутахассисларнинг компьютер графикаси тайёргарлиги бугунги ҳолатини ўрганиш ўқув режалари, дастурлари ва мавжуд илмий-услубий адабиётларни ўрганиш орқали амалга оширилмоқда.

Ҳозирги кунда кўплаб мутахассис (архитектор, конструктор, муҳандислар дизайнер-амалиётчи)лар лойиҳалаш ва конструкциялаш соҳаларида AutoCAD тизимидан фойдаланмоқдалар.

Шу сабабли олий таълим тизимида график таълимини замон талаби даражасида такомиллаштириш бўйича қуйидаги муҳим вазифаларни ечиш лозим:

- бўлажак ўқитувчиларни график маданиятини замонавий ишлаб чиқариш талабларини ҳисобга олган ҳолда компьютер графикасидан фойдаланиш билим ва малакаларини шакллантириш;

- олий ўқув юртлари «Чизма геометрия ва муҳандислик графикаси» ўқитувчиларини машина (компьютер) графикаси билим ва малакалари билан қуроллантириш мақсадида марказлашган малака ошириш курсларини ташкил этиб, графика ўқитувчиларини қайта тайёрлаш;

- ўқитувчини махсус компьютер графикаси саводхонлигини ошириш ва талабаларнинг замонавий график тайёргарлигини таъминлаш, жаҳон андозалари даражасидаги рақобатбардош бўлажак ўқитувчиларни тайёрлашдан иборатдир.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Рузиев Э.И. Графическая подготовка в системе непрерывного образования Республики Узбекистан: Монография Тошкент “ФАН” 2003-170ст.

2. Зойиров К.А. Узлуксиз таълим жараёнида бўлажак мутахассисларни жадал график тайёрлаш концепцияси. Ҳалқ таълими журнали. 2006№ 6-21-25 бетлар.

3. D.F. Kuchkarova, X.A. Pulatova, B.U. Xaitov. “Kompyuter grafikasi” fanidan amaliy mashg’ulotlarni o’tish bo’yicha metodik ko’rsatma. Тошкент 2009 й. 108 б.

4. Справка по AutoCAD 2007. Фролов С. А. Начертательная геометрия. М., 2006.

5. Фролов С. А., Воинов А. В., Феоктистова Е.Д. Машиностроительное черчение. М., 1981.